

**15.ОСА. - сон билан
рўйхатга олинган**

**“ЎЗИҚМК” АЖ
Акциядорларининг 2023 йил
29 майдаги йиллик умумий
йиғилиши қарори билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**“Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” Акциядорлик
жамиятининг
“КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА” ГИ НИЗОМИ
(янги таҳрирда)**

Тошкент – 2023й.

МУНДАРИЖА:

I.	УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	3
II.	КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ	3
III.	КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ, ТАЙИНЛАШ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТДАН ОЛДИН БЕКОР ҚИЛИШ.....	5
IV.	КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛИГИГА НОМЗОДЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ	6
V.	КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ.....	7
VI.	КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ	7
VII.	КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.....	8
VIII.	КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.....	9
IX.	КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА ИШ ҲАҚИ МИҚДОРНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ	10
X.	ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР	10

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, бошқа қонун ҳужжатларига, “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” Акциядорлик жамияти (бундан буён матнда – “Жамият”) Уставига, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссиянинг 2015 йил 31 декабрдаги йиғилишининг 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган. Мазкур Низом Жамият Кузатув кенгашининг мақомини белгилайди ва унинг фаолиятини, аъзолари сайланишини, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва вазифаларини тартибга солади.

2. Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун ҳужжатлари ва Жамият Устави билан Акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилиш бундан мустасно.

3. Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш Кузатув кенгаши раиси томонидан амалга оширилади.

II. КУЗАТУВ КЕНГАШИ ВАКОЛАТЛАРИ

4. Жамият Кузатув кенгаши ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- Жамият Ижроия органининг Жамият ривожланиш стратегияларига эришиш бўйича қўлланилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисobotини мунтазам равишда тинглаб борган ҳолда, Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- Акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 65-моддаси ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

- Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибини тайёрлаш, йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш ва Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок қилиш учун Жамият акциядорлар реестри тузиладиган санани белгилаш;

- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 59-моддаси биринчи қисми иккинчи хатбошида назарда тутилган масалаларни Акциядорлар умумий йиғилишига қарор қабул қилиш учун киритиш;

- Жамият мол-мулкларининг бозор қиймати белгиланишини ташкиллаштириш;

- Жамият Ижроия органини ташкил этиш, Бош ижрочи директорни сайлаш (тайинлаш), унинг ваколатларини муддатидан олдин бекор қилиш;

- Бош ижрочи директор, Молиявий масалалар бўйича Бош ижрочи директор ўринбосари лавозимига танлов эълон қилиш, танлов эълон қилиш тартиб қоидаларининг тавсифини ва саралашнинг объектив мезонларини аниқлаб берган ҳолда раҳбарлик лавозимларига танлов ўтказиш регламентини тасдиқлаш, танлов натижалари бўйича ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, замонавий фикрлайдиган, юқори малакали мутахассислар, ҳамда хорижий менежерларни ёллаш;

- Жамиятнинг Бош ижрочи директорига тўланадиган пул мукофотлари ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш, қайд этилган тўловларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015

йил 28 июлдаги “Акциядорлик жамиятлари ва давлат улушига эга бошқа хўжалик субъектлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий қилиш тўғрисида”ги 207-сонли Қарорида белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларининг бажарилишига боғлаш;

- Заруриятдан келиб чиқиб, Корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгилайдиган Низомни тасдиқлаш;

- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда, Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси Жамият Кузатув кенгаши йиғилишида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқланиши керак;

- Ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек йилнинг ҳар чорагида унинг ҳисоботини тинглаш;

- Риск менежернинг чораклик ҳисоботини тинглаш;

- Жамият Ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- Акциядорлар умумий йиғилишига ташқи аудиторларни тайинлаш ва улар хизматларига ҳақнинг энг юқори миқдорини белгилаш тўғрисида ўз тавсияларини киритиш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби бўйича тавсиялар бериш; Жамиятнинг заҳира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- Жамият филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш (улар акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилади);

- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-бобига мувофиқ, баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш. Кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;

- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 9-бобига мувофиқ Жамиятнинг аффилиланган шахси билан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш;

- Жамият томонидан облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошладиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамият томонидан чиқарилган облигацияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамият устав фондиди (устав капитали) ошириш бўйича масалалар, шунингдек Жамият Уставига Жамият устав фондиди (устав капитали) ошириш ва Жамиятнинг эълон қилинган акциялари миқдорини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масалаларини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоладини чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш;
- қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоладини чиқариш тўғрисидаги қарорга ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш ҳамда уларнинг матнини тасдиқлаш;
- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (биржага ва биржадан ташқари ташкил этилган қимматли қоғозлар бозорига қўйиш) нархларини белгилаш;
- Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;
- Қарор қабул қилинган кунда жамият соф активларининг бир фоизидан ортиқ миқдорда хайрия (ҳомийлик) ёки текин ёрдам бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамият корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун танлов асосида мустақил ташкилотни жалб қилиш.

5. Жамият Кузатув кенгаши Корпоратив бошқарув кодексининг тавсияларини амалга ошириш мақсадида қўйидагиларни амалга оширади:

- Жамиятнинг бошқарув органлари, ички назорат органлари, Жамиятда ташкил этилган коллегиал органлар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш, зарур ҳолларда, Жамиятни ривожлантириш режаларини ишлаб чиқишни ташкиллаштириш ва уларда белгиланган мақсадларга эришиш мониторингини ўтказиш учун экспертларни жалб қилиш;
- Жамият ташкилий тузилмасининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва мунтазам баҳолаш, шунингдек Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ йиллик молиявий ҳисоботларни эълон қилишга ўтишни таъминлаш бўйича ишларни ўзаро мувофиқлаштириш;
- Корпоратив бошқарув кодекси тавсиялари жорий этилишини назорат қилиш.

6. Қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставига мувофиқ, Жамият Кузатув кенгаши ваколатларига бошқа масалаларни ҳал қилиш ҳам киритилиши мумкин.

7. Жамият Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

III. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ, ТАЙИНЛАШ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТДАН ОЛДИН БЕКОР ҚИЛИШ

8. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари Амалдаги қонунчилик ва Жамият Уставида назарда тутилган тартибда Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

9. Жамият Кузатув кенгашининг сон таркиби Жамият Уставида белгиланади. Бунда Кузатув кенгашининг мустақил аъзолари сони 3 кишини ташкил этади.

10. Жамият Кузатув кенгашининг мустақил аъзоларига доир мезонлар Жамият уставида белгиланган.

11. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган ҳолда қайта сайланишлари мумкин.

12. Жамият Бош ижрочи директори ва унинг ўринбосарлари Жамият Кузатув кенгашига сайланишлари мумкин эмас.

13. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракти) бўйича ишлаётган шахслар Жамият Кузатув кенгаши аъзолари бўлишлари мумкин эмас.

14. Кузатув кенгашига сайланган аъзонинг ваколатларини муддатдан олдин тугатиш акциядор ўзгарган, Кузатув кенгаши аъзоси томонидан ўз вазифалари бузилган, Кузатув кенгашининг тегишли аризаси ва бошқа асослар мавжуд бўлган ҳолатда Акциядорлар умумий йиғилиши қарори бўйича амалга оширилади.

15. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

16. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамият Кузатув кенгашига сайланаётган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор бундай тарзда олинган овозларни тўлиқ бир номзод учун беришга ёки уларни икки ва ундан кўпроқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

17. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Кузатув кенгаши таркибига сайланган ҳисобланади.

18. Кузатув кенгашига номзодларга бештадан кўп бўлмаган кузатув кенгашларида аъзо бўлиб иштирок этиш чеклови ўрнатилади, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

19. Давлат органлари ходимлари талаб этиладиган малака даражасига мос бўлиши, манфаатлар тўқнашуви аломатларига эга бўлмаслиги шарти билан кузатув кенгаши аъзолигига сайланишлари мумкин.

Бунда тартибга солувчи ёки назорат (шу жумладан, лицензиялаш органлари ва молия-хўжалик фаолиятини текширувчи органлар) функциясини амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари ходимларини сайлаш амалиёти тўлиқ бекор қилинади.

IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛИГИГА НОМЗОДЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

20. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолигига номзодларга қўйидаги малака талаблари белгиланади:

- корпоратив бошқарувчи малака аттестатига эга бўлиши (қонунчилик ҳужжатларига биноан корпоратив бошқарувчи малака аттестатини олиш талаб этилмайдиган шахслар бундан мустасно);
- тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотга эга бўлиш (хорижий ва халқаро ўқув юртларида таҳсил олганлиги тўғрисида сертификат ва дипломлари мавжуд номзодлар қўллаб-қувватланади);
- уч йил ва ундан ортиқ бошқарув тажрибасига эга бўлиши;
- жамият фаолиятига таалуқли жараёнларни, бозор ва тармоқ фаолиятини чуқур тушуниши;
- ташкилот ва соҳаларни стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тажрибасига эга бўлиши;
- операцион бошқарув тажрибасига эга бўлиши;
- молиявий институтлар, потенциал инвесторлар, маслаҳатчилар ва ташкилотлар билан бизнес алоқалар ва музокаралар олиб бориш кўникмаларига эга бўлиши;
- корпоратив бошқарув тамойилларини тушуниши;
- режалаштириш, молия, аудит, инсон ресурслари, хатарларни бошқариш, корпоратив бошқарув, рағбатлантириш бўйича бир ёки ундан ортиқ касбий кўникмаларга эга бўлиши;

V. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ

21. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзолари томонидан Кузатув кенгаши таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

22. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонидан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақлидир.

23. Жамият Кузатув кенгаши раиси унинг фаолиятини ташкиллаштиради, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкиллаштиради, Акциядорлар умумий йиғилишига раислик қилади.

24. Жамият Кузатув кенгаши раиси бўлмаган ҳолатда, унинг вазифалари Кузатув кенгаши аъзоларидан бири томонидан бажарилади.

VI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

25. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгаши раиси томонидан унинг шахсий ташаббусига кўра, Кузатув кенгаши аъзоси, Бош ижрочи директори ва Жамият овоз берувчи акцияларининг жами энг камида бир фоизи эгалари ҳисобланган акциядорлар (акциядор) талабига асосан чақирилади.

26. Жамият Кузатув кенгаши мажлиси Кузатув кенгаши раиси томонидан йилнинг ҳар чорагида камида бир марта чақирилади. Мажлисида мажбурий тартибда куйидагилар кўриб чиқилади:

- Ижроия органининг жамият йиллик бизнес-режасининг бажарилиши, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратadbирлар, шунингдек амалга оширилган ишлар ва жамият таркибига кирувчи корхоналарнинг бизнес-режалари билан тасдиқланган самарадорлик кўрсаткичларига эришиши, ҳамда жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари тўғрисидаги ҳисоботи;

- Ички аудит хизматининг ҳисоботи;
- Риск менежернинг ҳисоботи.

27. Жамият Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзолар сонининг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

28. Кузатув кенгаши аъзолари сони Уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган ҳолатда, Жамият Кузатув кенгаши янги таркибни сайлаш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Бунда Кузатув кенгашининг қолган аъзолари мазкур Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият Бош ижрочи директори ваколатлари муддатдан олдин бекор қилинган ҳолатда унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

29. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида қарорлар мажлисида иштирок этаётганларнинг кўпчилик овозлари билан қабул қилинади, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Жамият Уставида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалаларни ҳал қилишда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Жамият Кузатув кенгаши раиси Кузатув кенгаши аъзолари овозлари тенг бўлган ҳолатда ҳал қилувчи овоз бериш ҳуқуқига эга.

Жамият устав фондини (капиталини) ошириш ва Уставга тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалалар бўйича қарор Жамият Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

30. Жамият Кузатув кенгаши бир аъзоси томонидан овознинг Кузатув кенгаши бошқа аъзосига ёки учинчи шахсга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

31. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирилмай тузилади.

32. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- мажлисда иштирок қилаётган шахслар;
- мажлис кун тартиби;
- овозга қўйилган масалалар, улар бўйича овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

33. Жамият Кузатув кенгаши мажлиси баённомаси Жамият Кузатув кенгаши мажлиси иштирокчилари томонидан, шу жумладан, электрон шаклда, имзоланади. Улар баённома тўғри тузилганлиги учун жавобгар бўладилар.

34. Жамият Кузатув кенгаши мажлиси баённомаси имзоланган кунда Жамият Бош ижрочи директорига ижро учун топширилади. Жамият Кузатув кенгаши томонидан Акциядорлар умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолатда, мазкур қарор тўғрисида ахборот Жамият Бош ижрочи директорига Кузатув кенгаши мажлиси ўтказилган кунда топширилади.

35. Жамият Кузатув кенгаши сўровнома орқали ўтказилиши мумкин, Ички аудит хизмати, Риск менежер ва Ижроия органи ҳисоботлари тингланадиган мажлислар бундан мустасно. Бунда, Жамият Кузатув кенгаши қарорлари Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан сиртқи овоз бериш (сўровнома) орқали бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

Техник воситалар, Кузатув кенгаши аъзоларини идентификациялаш воситалари ва бошқа аппаратуралар мавжуд бўлган ҳолатда, Кузатув кенгаши йиғилишлари видео-конференц-алоқа режимида ўтказилиши мумкин.

VII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

36. Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Кузатув кенгаши мажлисида шахсан иштирок этиши, мажлисда муҳокама қилинадиган масала бўйича регламент билан белгиланган вақт доирасида сўзга чиқиш;
- Кузатув кенгаши қарори бўйича муайян давр учун Жамият фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисида маълумотлар олиш;
- Қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган тартибда Кузатув кенгашида ишлагани учун мукофот олиши ва (ёки) сарфлаган харажатлари қопланиши мумкин;
- Қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар;
- Кузатув кенгаши ҳузурида Кузатув кенгаши аъзолари ва жалб қилинган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, муайян соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилар таркиби ва бошқалар) орасидан тегишли масалалар бўйича қўмиталарни (ишчи гуруҳларини), шу жумладан Аудит қўмитаси, Рискларни бошқариш, ҳамда Номзодлик ва мукофотлаш қўмиталарини ташкил этиш.

37. Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги мажбуриятларга эга:

- Мазкур Низомнинг IV-бўлим бандларига белгиланган малака талабларига мувофиқ бўлиши;
- бенуқсон ишлаш обрўсига эга бўлиши;
- олий маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиши;
- мустақиллик ва холисликни намоён қилиши, ҳамда акциядорнинг вакили сифатида ишлай олиши;
- жамиятнинг манфаатларига, барқарорликка ва корпоратив масъулиятга содиқлиги билан боғлиқ соҳаларга шахсий садоқатини кўрсатиши;
- кенгаш муҳокамасига фаол иштирок этиш учун шахсий фазилатларга эга бўлиши;
- кенгаш аъзолигига номзод ўзини ишга бағишлашга тайёр бўлиши, шунингдек, кенгаш аъзоси вазифаларини бажариш учун етарли вақтга эга бўлиши;
- кенгашнинг бошқа аъзолари билан яхши иш муносабатларини ривожлантириши ва жамиятнинг фаолиятига ёрдам бера олиши;
- жамият билан битим тузишда тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали жамиятни ўз аффилиланганлиги (дахлдорлиги) тўғрисида хабардор қилиш;
- фаолиятида рақобатчилар, асосий етказиб берувчилар билан тизимли манфаатлар тўқнашувига эга бўлмаслиги ва қонун ҳужжатларида, ҳамда жамият уставига назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши керак.

38. Кузатув кенгаши аъзолари Жамият имкониятларидан (мулкий ёки номулкий ҳуқуқлардан, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлардан, Жамият фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборотдан) шахсий манфаатларга фойдаланишга ҳақли эмаслар.

39. Кузатув кенгаши аъзолари фаолиятини баҳолаш.

Жамият кузатув кенгаши аъзолари йилда бир марта “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши фаолиятини баҳолаш тўғрисида”ги Низомга асосан баҳоланади.

VIII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

40. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатлари доирасида ҳаракат қилишлари керак, ҳамда қонун ҳужжатларига ва Жамият Уставига мувофиқ Жамият олдида масъул бўладилар.

41. Бир неча шахслар мажбурият олган тақдирда, уларнинг Жамият олдидаги мажбурияти солидар ҳисобланади.

42. Жамиятга зарар етказилишига олиб келган қарор учун овоз беришда иштирок этмаган ёки бундай қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайдилар, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 90-моддасида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

43. Жамият жойлаштирилган акцияларининг жами бир фоизидан кўпроғига эга Жамият ёки акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарлар ўрнини қоплаш тўғрисида Кузатув кенгаши аъзосига нисбатан даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

IX. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА ИШ ҲАҚИ МИҚДОРНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ

44. Кузатув кенгаши аъзоларига корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари ва Жамият фаолиятининг молиявий натижалари бўйича ҳақ тўланади.

45. Жамият корпоратив бошқарув тизимини ва Жамият фаолиятининг молиявий натижаларини мустақил баҳолашни ҳар йили амалга оширади.

46. Мустақил баҳолаш натижалари Кузатув кенгаши раисига ва аъзоларига тўланадиган ҳақ суммаларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

47. Мустақил ташкилот билан тузилган шартномага мувофиқ, Кузатув кенгаши фаолиятининг натижалари қониқарсиз, паст, қониқарли ва юқори деб эътироф қилиниши мумкин.

48. Раҳбар ёки раҳбар ўринбосари, ҳамда давлат ташкилотлари ходимлари сифатида фаолият кўрсатаётган Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори (1 календарь йили чораги учун Кузатув кенгашининг 1 нафар аъзосига) қуйидаги тартибда белгиланади:

- агар қониқарсиз деб ҳисобланса, ҳақ ҳисобланмайди ва тўланмайди;
- агар паст деб ҳисобланса, ҳақ ҳисобланади ва энг кам иш ҳақи миқдорининг 3,5 баравар миқдорида тўланади;
- агар қониқарли деб ҳисобланса, ҳақ ҳисобланади ва энг кам иш ҳақи миқдорининг 12,3 баравар миқдорида тўланади;
- агар юқори деб эътироф этилса, ҳақ ҳисобланади ва энг кам иш ҳақи миқдорининг 17,6 баравар миқдорида тўланади.

Бунда, Кузатув кенгашининг мустақил аъзоларига ҳақ Жамият Кузатув кенгашининг раиси билан тузилган шартнома асосида тўланади.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

49. Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси (бўлими) ёки қимматли қоғозлар бўйича мутахассис ёхуд Корпоратив маслаҳатчи Кузатув кенгаши аъзоларини керакли материаллар билан таъминлаш, шунингдек акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро алоқа учун масъул ҳисобланади.

50. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

51. Мазкур Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва/ёки Жамият Уставига зид келган ҳолатда, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар юзасидан мазкур Низомга тегишли ўзгартишлар киритилган пайтгача Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва/ёки Жамият Устави нормаларига амал қилиш керак.

52. Мазкур Низом кучга кириши билан “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖнинг 2020 йил 25 майдаги, 2021 йил 18 июндаги ва 2022 йил 29 июндаги Акциядорларнинг умумий йиғилиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖнинг Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом ва унга киритилган барча ўзгартиришлар ўз кучини йўқотади.